

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Самарқанд шаҳри

2023 йил 28 июль

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси К.И.Тухтаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Узоқовнинг котиблигида, даъвогар [REDACTED] бошқармасининг жавобгар «[REDACTED] ДУКга нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни Самарқанд шаҳар иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида, даъвогар [REDACTED] бошқармаси вакили О.Хамраев (11.07.2023 йилдаги 01-2319-сонли ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб қуйидагиларни-

АНИҚЛАДИ:

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъвогар [REDACTED] бошқармаси даъво ариза билан мурожаат қилиб, даъво аризасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ «[REDACTED] ДУК ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар тоифасига кирганлиги учун 2022 йил учун 23 161 815 сўм компенсация тўловлари ҳисобланганлиги, компенсация тўловларини тўлаб бериши тўғрисида огоҳлантирилганлиги, компенсация тўловлари тўлаб берилмаганлиги, тўлов кечиктирилган кунлар учун 2 431 990 сўм пеня ҳисобланганлиги баён қилиниб, жавобгар «[REDACTED] ДУКдан даъвогар [REDACTED] бошқармаси фойдасига 23 161 815 сўм компенсация тўловлари, 2 431 990 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар [REDACTED] бошқармаси вакили О.Хамраев жавобгар томонидан қисман тўлов амалга оширилганлигини инобатга олиб, 16 161 815 сўм компенсация тўловлари ва 2 431 990 сўм пеняни ундиришни, даъвони қисман қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган «[REDACTED] ДУК вакили суд мажлисида иштирок этмади.

Суд, тарафлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, «[REDACTED] ДУКнинг Нуробод туман филиалига 2022 йил учун атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун 23 161 815 сўм компенсация тўловлари ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизmlарини янада такомиллаштириш тўғрисидаги”ги 202-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-боб 5-бандида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий



муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар; юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур банднинг тўртинчи хатбошисига мувофиқ бюджет ташкилотлари мазкур Низомга мувофиқ ўзларининг асосий фаолиятдан ташқари ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан шуғулланганда, ундан олинган даромад манбалари ҳисобидан компенсация тўловлари тўлайдилар.

Мазкур Низомнинг 7-боби 26-бандига мувофиқ I ва II тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар ҳар чорақда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача аванс компенсация тўловини амалга оширадилар.

Жавобгар «[REDACTED] ДУК 2022 йил учун 23 161 815 сўм компенсация тўловлар тўлаши лозим бўлса-да, компенсация тўловларини тўламасдан келган.

Жавобгарга талабнома юборилиб 23 161 815 сўм компенсация тўловларини тўлаб бериш сўралган. Жавобгар томонидан талабноманинг ижроси таъминланмаган.

Шунинг учун даъвогар даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун 23 161 815 сўм компенсация тўловлари, 2 431 990 сўм пеняни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида тарафлар вакиллари томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан жавобгар томонидан 7 000 000 сўм компенсация тўловлари тўлаб берилганлиги, 16 161 815 сўм компенсация тўловларидан қарздорлиги мавжудлиги аниқланди.

Суд, жавобгар компенсация тўловларини қисман тўлаб берганлигини инобатга олган ҳолда, даъвонинг 23 161 815 сўм компенсация тўловларини ундириш қисмини 16 161 815 сўмга қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Низомнинг 7-боб 30-бандида маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 (элик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилиши белгиланган.

Шунинг учун даъвогар жавобгардан 2 431 990 сўм пеняни ундиришни сўраган. Пенянинг ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотлар иш ҳужжатларига илова қилинган.

Фуқаролик кодексининг 326-моддасида суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақлилиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд, қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, даъво талабидаги 2 431 990 сўм пеняни 729 597 сўмга камайтиришни, даъвонинг пеня ундириш қисмини 729 597 сўмга қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, даъвони қисман қаноатлантиришни, жавобгар «[REDACTED] ДУКдан даъвогар [REDACTED] бошқармаси фойдасига 16 161 815 сўм компенсация тўловлари ва 729 597 сўм пеняни ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад



этишни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, ундирилиши лозим бўлган 511 876,1 сўм давлат божи, 33 000 сўм почта харажати жавобгар « [REDACTED] ДУК зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186-моддаларини қўллаб суд-,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар « [REDACTED] ДУКдан даъвогар [REDACTED] бошқармаси фойдасига 16 161 815 сўм компенсация тўловлари ва 729 597 сўм пеня (Табиат ресурслари вазирлиги чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ҳисоб рақами, Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р 23402000300100001010, Марказий банк ХККМТ Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО 00014, Ғазначилик бошқармаси СТИР 201122919, х/р 4014218601184013450715144, СТИР 202427172, ОКОН:97400) ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар « [REDACTED] ДУКдан Республика бюджети (Суд ҳоқимиятини ривожлантириш жамғармаси)га 511 876,1 сўм давлат божи ундирилсин.

Жавобгар « [REDACTED] ДУКдан даъвогар [REDACTED] бошқармаси фойдасига 33 000 сўм почта харажати (Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р 23402000300100001010, Марказий банк ХККМТ Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО 00014, Ғазначилик бошқармаси СТИР 201122919, х/р 400121860184017056200144001, СТИР 202427172, ОКОН:97400) ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятни бериши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

К.И.Тухтаев

